

БЕРУНИЙДА ЁШЛАР УЧУН МЕДИА ТУР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Ёшлар дафтарига кирган ва тадбиркорлик билан шуғулланиш истагидаги берунийлик ёшлар учун тумандаги бир қатор ишлаб чиқариш корхоналарига медиа тур ташкил қилинди.

Image not found or type unknown



Медиа тур Беруний тумани ҳокимлиги ва Ёшлар ишлари агентлиги томонидан ташкил этилган бўлиб, медиа тур доирасида ёшлар тумандаги "Асқар Акфа" МЧЖ, "Алаваддин Кунжи ИЧ" МЧЖ, "Айнур КНК" МЧЖ, "Беруний Мел" МЧЖ ларда бўлди, тадбиркорлар билан ишлаб чиқариш жараёнлари ва тадбиркорлик сирлари ҳақида суҳбатлашишди. Бизнес сирлари, бозордаги талаб ва таклиф ишбилармонлар томонидан ёшларга тушунтирилди.

Image not found or type unknown



Беруний тумани ҳокимлиги ахборот хизмати